

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БОБОЖАНОВА НОДИРА ҚУРАМБОЙ ҚИЗИ**

**ЎЗАН СУВ ОМБОРИГА ЛОЙҚА ЎТИРИШИНING ГИДРОУЗЕЛ  
ТАРКИБИГА КИРУВЧИ ИНШОТЛАРДАН ИШОНЧЛИ  
Фойдаланишга таъсири (туямуюн гидроузели  
мисолида)**

**05.09.06 - Гидротехника ва мелиорация қурилиши**

**ТЕХНИКА ФАҢЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**  
**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical  
sciences**

**Бобожанова Нодира Қурамбой қизи**

Ўзан сув омборига лойқа ўтиришининг гидроузел таркибига кирувчи  
иншоотлардан ишончли фойдаланишга таъсири (Туямуюн гидроузели  
мисолида)..... 3

**Бобожанова Нодира Қурамбой қизи**

Влияние заиления руслового водохранилища на условия надежной  
эксплуатации сооружений гидроузла (на примере Туямуюнского  
гидроузла)..... 23

**Bobojanova Nodira Kuramboy qizi**

The influence of silting of a chanal reservoir on the conditions for reliable  
exploitation hydroelectric complex (on the example of the Tuyamuyun  
hydroelectric complex)..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 46

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БОБОЖАНОВА НОДИРА ҚУРАМБОЙ ҚИЗИ**

**ЎЗАН СУВ ОМБОРИГА ЛОЙҚА ЎТИРИШИНING ГИДРОУЗЕЛ  
ТАРКИБИГА КИРУВЧИ ИНШОТЛАРДАН ИШОНЧЛИ  
Фойдаланишга таъсири (туямуюн гидроузели  
мисолида)**

**05.09.06 - Гидротехника ва мелиорация қурилиши**

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Т3520 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Бакиев Машариф Рузметович**

Қорақалпоғистон Республикасида хизмат курсатган фан арбоби техника фанлари доктори, профессор:

**Расмий оппонентлар:**

**Базаров Дилшод Райимович**

техника фанлари доктори, профессор,

**Хўжакулов Рустам**

техника фанлари доктори, профессор,

**Етакчи ташкилот**

**Тошкент архитектура-қурилиш университети**

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «24» НОЯБРЬ соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй, тел.:(+99871)-237-09-71; факс: (99871)-237-54-79, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz))

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№195 рақами билан руйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий, 39, тел.:(+99871)-237-19-45).

Диссертация автореферати 2023 йил «06» НОЯБРЬ кун тарқатилди.

(2023 йил «06» НОЯБРЬ даги № 23 рақамли реестр баённомаси)



**Т.З. Султанов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,  
профессор

**Ф.А. Гаппаров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
т.ф.д., профессор

**О.Я. Гловацкий**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда ўта муҳим масалалардан бири, бу сув омборига лойка ўтиришини ва фойдали хажмининг камайишига қарши кураш ҳисобланади, пировардида бу жараён суғориладиган майдонларни сув таъминотини камайтиради ва ҳалқ хўжалигига катта зарар етказди. Бу борада, янги сув омборли гидроузелларни қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва уларни эксплуатация жараёнларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатлар, жумладан, АҚШ, Хитой, Канада, Германия, Испания, Россия ва бошқаларнинг тадқиқотларида сув омборлари конструкцияларини такомиллаштириш, физик жараёнларни башоратлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жаҳонда сув омборларини лойқадан тозалаш, чўкиндиларни сақлаш омборлари яратиш, кичик хажмдаги омборлар қуриш ҳамда чўкиндиларни гидравлик ювиш, сув омбори фойдали хажмини баҳолашда сонли моделлардан ва батиметрик усулларида фойдаланишга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда шу билан бир қаторда, сув омборларида лойка чўкиндиларга қарши кураш, уларнинг ишончли ва хавфсиз ишлашини таъминлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада сув омборларидан фойдаланиш режимини ҳамда сув сифатини бошқариш сценарияларини моделлаштириш, хавфсизлик мезонларини ишлаб чиқиш, иншоотларни филтрация ва кучланганлиги деформация ҳолатларини баҳолаш усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилган.

Республикада сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва интеграл фойдаланишни такомиллаштириш, сув ресурсларини комплекс бошқариш, сув омборлари ва сел омборли гидроузеллар, гидроэлектростанцияларни қуриш, ирригация иншоотларини реконструкция қилиш борасида кенг кўламли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда сув омборлари ва сув олувчи гидроузеллар иншоотларининг юқори бьефларини чўкиндилардан механик тозалаш ишларини ташкил этиш ишлари бошланди. Бу йўналишда, шунингдек, лойка чўкиш сабабларини аниқлаш, тозалаш ишларини ташкил этишнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш, қазиб олинган материалларни қурилишда, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш ва, албатта, лойка ўтириш хажмини камайтириш бўйича тадқиқотларни давом еттириш талаб этилади. 2022-2026-йилларда янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “...сув хўжалиги тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни тежаш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш”<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан дала тадқиқотлари асосида оқизикларга тўйинган оқим билан, сув омбори гидроузели таркибидаги иншоотлар орасидаги ўзаро таъсир механизмининг очиқ бериш; ўзан сув омбори лойкага тўлишининг сув олиш иншооти ишончли

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28- январдаги “2022-2026 йилларда янги Ўзбекистонни тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60 сон фармони

ишлашига таъсири; ўзанинг лойқага тўлиш даражасини ва унинг сув ўтказиш сифимини камайиши масалаларини белгилаш; сув омборининг лойқага тўлишини тупроқ тўғоннинг филтрацион ишончилигига таъсири; бетон иншоотлар заминининг филтрация мустаҳкамлигини баҳолаш; ГАТ технологиялари ва масофадан зондлаш материалларидан фойдаланган ҳолда фойдали ҳажмини ошириш мақсадида ўзан сув омборларини реконструкция қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларда янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги, 2020 йил 10-ПФ-6024-сон “Ўзбекистон Республикасининг сув хўжалигини 2020-2030 йилларда ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги, 2021 йил 6-апрелдаги ПФ-6200-сон “Сув ресурсларидан фойдаланиш ва сув объектлари хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат бошқаруви ва назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Табиатдан самарали фойдаланиш ва экология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сув омборли гидроузеллар таркибидаги иншоотлар конструкцияларини яратиш, ҳисобий асослаш усулларини ишлаб чиқишнинг назарий ва амалий масалалари катор олимлар томонидан кўриб чиқилган: Мухамедов А.М.; ShavkatRakhmatullaev, Frédéric Huneau Philippe Le Coustumer, Mikael Motelica-Heino , MasharifBakiev; Pogorelov A. V., Andrey., A.Laguta; Duhovny V. A., Sorokin D. A. ; Jochen Froebrich, Melanie Bauer, Malika Ikramova, Oliver Olsson; Аравина В.И., Носова О.Н; Фисенко В.Ф; Юрова В.М; Гаппаров Ф.А., Мансуров С.Р.; Давронов Г.Т., Фирлина Г.Л.; Данелия Н.Ф.; Erfeng Zhao, Chengqing Wu, Shaowei Wang, Jiang Hu, Weiqiang Wang; Jin Luo, Qi Zhang, Liang Li, Wei Xianga; J.Fu and S.Jin; Курбанбаев Е., Артыков О., Курбанбаев С.; Мансуров С.Р.; Hongyang Zhang, Ziyi Song, Peng Peng, Yadong Sun, Zelin Ding, Xianqi Zhang. ; Петров А.А.; Юлдашева К.А., Базаров Д.Р., Арифжанов А.М., Самиев Л.Н., Хошимов С.Н., Атакулов Д.Е., Апакхужаева Ф., Бабажанов Ф.К, Байманов К.К., Байманов Р.К. ва бошқалар томонидан маълум ижобий натижаларга эришилган.

Қатор олимлар Векслер А.Б., Ивашинцов Д.А., Стефанишин Д.В.; Баламирзаев А.Г.; Засов С.В., Хужакулов Р., Бакиев М.Р., Кириллова Е.И. ва бошқалар гидроузеллар ишончилиги бўйича тадқиқотлар ўтказдилар.

ГАТ технологиялари асослари, масофавий зондлаш ва улардан фаннинг турли соҳаларида фойдаланиш масалалари Э.Сафаров, Болтаев Т.Х., Акбаров О.М., Andrey A. Laguta, Bolstad, P. V. and Stowe, T., Богданец Е.С., Чистогова В.А., Gert A. Schultz, Kumar Avinash, B Deepika, K.S.Jayappa, Хасанов Х., Ковин Р. В., Марков Н. Г., Kun Song, Fawu Wang, Qinglin Yi, Shuqiang Lu ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган.

Шу билан бир каторда, ўзан сув омбори лойқага тўлишини сув олиш иншоотининг ишлаш шароитларига ва гидроузел эксплуатацияси ишончлилигига таъсирини дала шароитида ўрганиш шулар жумласидандир.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий ишлари режаси билан боғликлиги.** Диссертация тадқиқоти “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг 2.8-сон “Гидротехника иншоотлари конструкцияларини ҳисоблаш, такомиллаштириш, лойиҳалаш ва хавфсизлигини таъминлаш асосларини ишлаб чиқиш” илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (2017-2022), 8/2020-сонли Х/Ш- “Туямуён гидроузели Ўнг қирғоқ каналининг иш режимини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш”; 16/2017 х/ш “Туямуён -Қипчоқ зонасида Амударё ўзанини икки томонлама тартибга солиш режа-схемасини ишлаб чиқиш” (2017) мавзулари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзан сув омборини лойқага тўлишини Ўнг қирғоқ сув олиш тизимининг ишлашига таъсири, тупроқ тўғони ва Туямуён гидроузели бетон иншоотлари замини филтрация ишончлилигини асослашдан иборат.

**Тадқиқотни вазифалари:**

ўзан сув омбори лойқага тўлишини, Амударёдан сув олувчи Ўнг қирғоқ сув олиш иншооти ишлаш шароитига таъсирини асослаш;

ўзан сув омбори лойқага тўлишини тупроқ тўғоннинг филтрация ишончлилигига таъсирини ўрганиш;

ўзан сув омбори лойқага тўлиши шароитида бетон иншоотлар замини филтрация мустаҳкамлигини аниқлаш усулини такомиллаштириш;

ўзан сув омборининг фойдали ҳажмини ошириш усулини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Амударёдаги Туямуён гидроузели ўзан сув омбори олинган.

**Тадқиқот предмети** сифатида ўзан сув омборининг лойқага тўлишини Ўнг қирғоқ сув олиш иншооти иш шароитига таъсири, тупроқ тўғон ва бетон иншоотлар заминини филтрация ишончлилиги ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида назарий механика, ўзан гидротехникаси, дала тадқиқотлари натижаларини ўтказиш ва қайта ишлаш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқот илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзан сув омбори лойқага тўлган ҳамда кам сувлилик йилларида сув ташлама тўғон томонидан димлаш жараёни йўқлиги шароитида Ўнг қирғоқ сув олиш иншооти ва ўзан оқимини ўзаро таъсир механизми очиб берилган;

тупроқ тўғонни ишлаш ишончлилигини баҳолаш усули пьезометрларни лойқага тўлиши натижасида эксплуатация тартиб-қоидалари бузилишини инобатга олиб такомиллаштирилган;

гидроузел бетон иншоотлари заминини мустаҳкамлигини баҳолаш усули дала кузатувларида аниқланган максимал напор градиенти асосида баҳоланган;

ўзан сув омбори фойдали ҳажмини ошириш усули ГАТ технологиялари ва рельефнинг ракамли модели (РРМ) асосида ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

юқори лойқаликдаги дарё сувларини тўғридан-тўғри каналга ўтаётган шароит учун иккита муаммони, яъни каналга оқизиклар қиришидан ҳимоя қилиш ва ичимлик сувини тиндиришни яхшилаш мақсадида, гидравлик ювишга асосланиб ишлайдиган кўп камералик тиндиргич қуриш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

тупроқ тўғонни фильтрация натижасида авария бўлиш модели, лойқалик даражаси юқори бўлган ҳолатда пьезометрларни ишдан чиқишини эксплуатация тартиб-қоидаларини бузилиши деб қараб такомиллаштирилган;

бетон иншоотлари замини мустаҳкамлигини баҳоловчи градиентларнинг критериял қийматлари йўл қўйилган қийматлардан ошиб кетмаслик шартидан, қатламлар орасидаги оҳактошдаги ёриқлар орасидаги ва қумдаги қийматлари аниқланган;

ўзан сув омбори фойдали ҳажмини ошириш бўйича реконструкция лойиҳаси ГАТ технологиялари ва РРМ асосида ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларини ишончлилиги дала маълумотлари натижаларини ҳисобий ва лойиҳа маълумотлари билан таққослаганлиги, қурилиш меъёрлари ва қоидалари, статистик маълумотларни қайта ишлашнинг тасдиқланган математик усулларини қўлланганлиги, шунингдек, бошқа тадқиқотчиларнинг натижалари билан таққосланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти муаллақ оқизиклар билан тўйинган оқим ва иншоотнинг ўзаро таъсир механизми очиқ берилганлиги, тупроқ тўғоннинг фильтрация ишончлилигини ва бетон иншоотлар заминини фильтрация мустаҳкамлигини баҳолаш усулини такомиллаштирилганлиги, пастки бьеф тубининг кўтарилиш қонуниятини асослаганлиги, ГАТ технологиялари ва РРМдан фойдаланиш асосида ўзан сув омбори фойдали ҳажмини ошириш усули ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, мезон қийматларини белгилашда канал ҳамда Туямуюн-Нукус ичимлик суви таъминоти тизими учун ҳам сувни тиниклаштириш мақсадида гидравлик ювиладиган кўп камерали тиндиргични қуриш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилганлиги, қатламлараро материаллар, оҳактошдаги ёриқларни тўлдирувчи ва қум учун мезон қийматлари аниқланганлиги ҳамда улар ёрдамида бетон иншоотлар заминларининг мустаҳкамлиги баҳоланганлиги, замонавий рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда ўзан сув омборини реконструкция қилиш лойиҳасини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзан сув омборининг лойқага тўлишини гидроузел иншоотларининг ишончли ишлашига таъсирини ўрганиш асосида:

Ўнг қирғоқ сув олиш иншооти эксплуатация режимини, тупроқ тўғон ва бетон тўғон заминини фильтрация мустаҳкамлигини яхшилаш бўйича тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги тасарруфидаги “Туямуюн сув омборидан фойдаланиш бошқарма” сида ишлаб чиқаришга

жорий қилинган. (Сув хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 19- майдаги N03/37-1510 сонли маълумотномаси.) Натижада, кам сувлилик даврида гидроузел иншоотларидан фойдаланиш самарадорлиги ошишига ва сувнинг лойқалик даражасини пасайишига эришилган.

Ўнг қирғоқ канали эксплуатация режимини яхшилаш бўйича тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Пахта-Арна Найман ИТБда ишлаб чиқаришга жорий қилинган. (Сув хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 19- майдаги N 03/37-1510 сонли маълумотномаси.) Натижада, канални чўкиндилардан тозалашга ва қирғоқларни ювилишдан ҳимоя қилишга кетадиган капитал маблағлар камайишига эришилган. Экин майдонларни сув таъминоти яхшиланган.

Димловчи иншоот билан бирлашган гидравлик ювиладиган тиндиргич ўрнатиш тўғрисидаги тавсиялар “Қорақалпоғистонда сув таъминоти” МЧЖда ишлаб чиқаришга жорий қилинган. (Сув хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 19-майдаги N03/37-1510 сонли маълумотномаси.) Натижасида лойқаликни камайишига, ичимлик суви сифатини ва сув сарфини ошишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 13 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 10 та халқаро ва 3 та республика конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий мақола чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда – 6 та мақола, шундан 4 та хорижий журналда, 2 та республика журналларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, белгилаш ва қисқартмалар, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 107 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертацияни **Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мавжуд тадқиқотлар таҳлили, назорат-ўлчов асбоблари ва дала тадқиқотлари методикаси”** деб номланган биринчи бобида олиб борилган тадқиқотлар таҳлили, назорат - ўлчов аппаратуралари ва дала тадқиқотлари методикаси берилган.

Тадқиқотчилар томонидан Ўрта Осиё республикалари ва Афғонистоннинг сув ресурсларини, Амударё ҳавзасининг ер усти сувлари

оқими баҳоланган, гидротехника иншоотлари хавфсизлигини баҳолашнинг умумий масалалари ва методологияси ишлаб чиқилган, тупроқ тўғонли сув омборларида фильтрация бўйича дала тадқиқотларини ўтказиш усули ишлаб чиқилган.

Кўпгина сув омборли гидроузеллар 40 йил ва ундан кўпроқ вақт давомида ишламоқда. Кўпгина сув омборларининг ўлик ҳажми бутунлай лойқа-чўкинди билан қопланган, фойдали ҳажми эса камаймоқда. Бу жараён бутун дунёда содир бўлади, бир биридан, интензивлиги билан фарқланади

Бир қатор муаллифлар Ўзбекистондаги сув омборли гидроузеллар, хусусан, Оқдарё сув омборини лойқа билан кўмилиши муаммосини, Краснодар сув омборини рақамли моделлар ва батиометрик тадқиқотлар ёрдамида лойқага тўлиш масалаларини кўриб чиқганлар. Гипслик заминда жойлашган бетон гравитацион тўғоннинг фильтрация хавфсизлиги баҳоланган. Тупроқ тўғонлари танаси ва заминдаги барқарор фильтрация муаммосини ҳал қилиш учун сонли усуллар кўлланилган. Деярли барча муаллифлар қурилган иншоотларни кузатуви тадқиқотини долзарб ва устувор вазифаси деб белгилашган.

Туямуён гидроузел, лойиҳасига кўра, тупроқли тўғонга қуйидаги назорат-ўлчов асбоблари ўрнатилган: 8 та створда жойлашган 91 та ер юзаси реперлари, чуқурлик реперлари 18 та, шу створларда юқори бьефда сув остида жойлашган ер ости пьезометрлари 53 та, (34 дона ишчи ҳолатида), дренаж галереяси устига қўшимча равишда 79 та грунт реперлар ўрнатилди.

Лойиҳа бўйича объектларда 61 та босимли ва босимсиз пьезометрлар ўрнатилган. Кўриб чиқиладиган даврда 42 та пьезометр ёрдамида ўлчаш ишлари олиб борилмоқда, қолган пьезометрлар қурилиш даврида ишдан чиққан ва тиклаш иложи йўқ. Бетон иншоотларда баландлик реперлари, ёриқ ўлчагичлар, створ белгилари ўрнатилган.

Дала тадқиқотлари умумий қабул қилинган методологияга мувофиқ юқоридаги НЎА ёрдамида амалга оширилди. Депрессия эгри чизиғининг юзаси ҳафтада 1-2 марта пьезометрлар ёрдамида аниқланди. Сув омборини тўлдириш ва бўшатиш даврида кузатувлар ҳар куни олиб борилган.

Дренажларда фильтрация сарфи барча дренаж қурилмаларида ўрнатилган сув ўлчаш постларида аниқланди. Фильтрация сарфи ўлчаш, депрессия эгри чизиғининг ҳолатини кузатиш билан бир вақтда ўлчанди. Ўлчанган қиймат лойиҳа қиймати ва олдинги кузатувлар маълумотлари билан таққосланди.

Пьезометрларда сув сатҳининг ўлчовлари ва дренажлардаги сув сарфини ўлчашдан ташқари, тизимли кузатишлар юқори ва қуйи бьефлардаги сув сатҳларини ўлчашни ҳам ўз ичига олади.

Пьезометрларда ўлчовлари 1 см аниқликда амалга оширилди. Пьезометрлардаги сув сатҳининг кузатувлари маълумотлари асосида ҳар бир пьезометрик створ учун фильтрация режимини ўлчаш натижалари хронологик графиклари тузилди. Графикларга юқори бьефдаги сув сатҳининг ўзгариши эгри чизиқлари, пьезометр створ бўйлаб иншоот профили графиклари чизилган, уларда пьезометрларнинг жойлашишини, грунт хусусиятларини ва кўриб чиқиладиган участканинг геологик тузилиши киритилди. Ҳар бир ўлчов участкаси учун тузилган хронологик графиклар лойиҳа депрессия эгри

чизиқлари билан таққосланди. Дренажлардаги сув сарфи учун хронологик графиклар ҳам тузилди, улар сув ўлчаш постларида аниқланди. Тузилган графиклар лойиҳа билан солиштирилди.

Ўнг қирғоқ сув олиш иншоотининг пастки бьефнинг ПК5+47 участкасида оқимдаги сув тезлигини ўлчаш ГР-21М вертушка ёрдамида амалга оширилди ва умумий қабул қилинган усул ёрдамида сув сарфи ҳисобланди.


Лойқалик намуналари батиметрик шиша билан олинди ва Туямуюн-Нукус Водовод лабораториясида лойқаликни аниқлаш ишлари олиб борилди.

Диссертациянинг «Ўзан сув омбори лойқага тўлишини Ўнг қирғоқ сув олиш иншооти ишлаш шароитига таъсири» деб номланган иккинчи бобида биринчи бобда келтирилган натижалар таҳлили асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари баёни берилган. Ўзан сув омборини лойқага тўлиш ҳолати ва Ўнг қирғоқ сув олиш иншооти ва канал ишлашини далада ўрганиш натижалари тасвирланган. Чап қирғоқдаги сув олиш жойи Туркменистон ҳудудида жойлашган ва у ерга кириш ёпиқ, шунинг учун у эрда тадқиқот ўтказилмади.

Ушбу бобда дарё оқими сув омборининг лойқаланиш ҳолати таҳлил қилиниб, 2,34 млрд.м<sup>3</sup> лойиҳавий ҳажмдан 770 млн.м<sup>3</sup> қолганлиги, яъни лойқага тўлиш ҳажми 67 % ни ташкил этиши аниқланган (2019 й.).

Худди шу бобда дарё оқими сув омбори лойқага тўлишини Ўнг қирғоқ сув олиш иншооти ва каналнинг ишлашига таъсири бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Ўзан сув омбори лойқага тўлган, дарё сув сарфи кам бўлганлиги сабабли, ўзан сув омбори фойдали ҳажми камайиб, кираётган сув Ўнг қирғоқ сув олиш йўли орқали тўғридан-тўғри каналга ўтказилмоқда. Каналдаги лойқалик даражаси дарёдаги лойқалик даражасига тенг (2-расм).




2-расм. 2020, 2021, 2022 йиллар учун Ўнг қирғоқ каналидаги сувнинг лойқалиги



Тадқиқотларда юқори ва пастки бьефлардаги пьезометрлардаги сув сатҳлари ва дренаж сувлари сарфи ўлчанди. Тупроқ тўғондаги фильтрация режими, тўлик ўзан сув омборидаги сув сатҳининг ўзгариши билан белгиланади.

Ўзан сув омборининг кузатуви даврида максимал бўшатиш тезлиги 2019-йил 27-июнь куни, кунига 2,00 м ни, ўзан сув омборини максимал тўлдириш тезлиги 2019-йил 16-апрелда кунига 3,10 м ни ташкил этди. Меъёрий тезликлар эса 0,5 м/кун ва 1,0 м/кун ни ташкил қилади. Бу тупроқ тўғоннинг танасида нобарқарор фильтрация пайдо бўлишига олиб келади.

Пастки бьефда сатҳнинг ўзгариши гидроузеллар орқали ўтказилган сув сарфларига боғлиқ. Бир неча йиллик кузатувлар (2016-2019 йй.) асосида қурилган графиклар (5-расм) пастки бьефда сув сатҳи кўтарилганлигини кўрсатди. Фарқ сув сарфи 150 м<sup>3</sup>/с да 0,74 м ни, 1100 м<sup>3</sup>/с да 1,37 м ни ташкил қилди. Бу эса пастки бьефда лойқа ўтириш жараёни бораётганлигини ва дарё туби кўтарилаётганлигини билдирмоқда.




**5-расм. 2016-2019 йиллар учун Тюямуюн гидроузели мажмуасининг қуйи оқимидаги сув сатҳининг сув сарфига боғлиқлиги**

Тупроқ иншоотлар фильтрация сарфлари тўғридан-тўғри юқори бьефдаги сув сатҳи ўзгаришига боғлиқ ва кескин сакрашларга эга эмас. Микдорий кўрсаткичлар ўтган йиллардаги кузатувлар кўрсаткичларидан ошмайди. Тупроқ тўғоннинг кўп пьезометрлари юқори бьеф сув сатҳи тебранишларига жуда секин жавоб беради ёки умуман жавоб бермайди. Узоқ муддатли кузатувлар шуни кўрсатдики, фильтрация сарфи (максимал қийматлар) пасайиш тенденциясига эга. Буни ўзан сув омбори лойқага тўлиши ва дарё сув лойқалик даражаси юқорилиги билан изоҳлаш мумкин. Ўрганиш даврида тупроқ тўғонининг галерея дренажида суффозия кузатилмади.

Бузилиш дарахти усулидан фойдаланиб, тупроқ тўғон ва замин филтрация таъсиридан тупроқ тўғоннинг авария сценарийси модели ишлаб чиқилди. Тўғондан фойдаланиш қоидаларини бузиш омилининг таъсири қайд этилган.

Гидроузелнинг бетон иншоотлари заминининг филтрация мустаҳкамлиги бўлимида, Туямуюн гидроузели бетон иншоотлари заминидagi филтрациянинг дала кузатувлари асосида 38 йилдан кейинги ҳолатига баҳо берилган. Филтрация йўлининг ошишига контур бўйлаб 56,8 м узунликдаги понур ва 14,6 м узунликдаги юқори тиш ёрдам беради. Филтрация босимини қисман камайтириш лента туридаги ва вертикал қудуқ дренажлар орқали амалга оширилади.

ГЭС биноси ва сув ташлама тўғондан иборат босимли олд қисмидаги пьезометрик сатҳлар эгри чизиқлари таҳлили шуни кўрсатадики, филтрацияга қарши контурдаги пьезометрлардаги сув босими тебранишлари, юқоридаги ва пастки бьефдаги сатҳлар ўзгаришларига монанд ҳолда ўзгаради (6-расм).



**6-расм. №1 (6,7,8) пьезометрларда сув босимининг тебраниш графиклари**

Босимли олд қисмида бетон иншоотларнинг заминидagi сув босимини баҳолаш учун пьезометрик босимнинг максимал қийматлари танланган ва юқори бьефдаги сув сатҳининг ҳисобланган максимал қийматлар билан таққосланди.

Таққослаш мутлақ баландликларда ва келтирилган пьезометрик босимларда амалга оширилади. Бунда қуйидагилар ҳисоблаб чиқилди: ҳақиқий градиентлар қуйидаги ифода ёрдамида

$$j = \frac{Z}{L} \quad (1)$$

рухсат этилган градиентлар

$$j_{рух} = \frac{j_{кр}}{K_n} \quad (2)$$

келтирилган максимал босим куйидаги формула ёрдамида


$$\Pi = \frac{отм.П - отм.ПБСС}{отм.ЮБСС - отм.ПБСС} \text{ босим қисми тарзида} \quad (3)$$

бу ерда: L - ўтказмайдиган контур узунлиги, Z - максимал перепад;

J - максимал градиент; J<sub>рух</sub> - рухсат этилган градиент; J<sub>кр</sub> - критик суффозия градиенти; K<sub>н</sub> - ишончлилик коэффициенти; олинган Отм. П, Отм. ПБСС, Отм. ЮБСС – пьезометр кўрсаткичи, пастки ва юқори бьефлардаги сув сатҳлари. Олинган қийматлар рухсат этилган қийматлар билан таққосланди.

Оҳактош қатламидаги ёриқ тўлдирувчиси критик суффозия градиенти J<sub>кр</sub>=2.0 га эга. Оҳактош қатламини ажратиб турувчи лойлик қум қатлами, бўш ҳолатда J<sub>кр</sub>=0,7-0,8, зичланган ҳолатда эса J<sub>кр</sub>=0,9-1,0, рухсат этилган критик градиентга эга.

Максимал босим қийматларидан ҳисобланган градиент оралик қатламнинг материали учун рухсат этилган қийматлардан 0,145 га нисбатан 0,56, оҳактошдаги ёриқлар учун 0,04 га нисбатан 1,6, қумда 0,163 ва 1,6 дан ошмайди. Заминнинг фильтрация мустаҳкамлиги максимал босим қийматларининг бутун оралиғида таъминланади. Оҳактошлар остидаги қатлам фильтрация мустаҳкамлиги қум қатламдаги пьезометрик фильтрация босимини ўлчаш ҳамда ГЭС биносининг вертикал дренаж қудуқларида фильтрация оқимини ўлчаш йўли билан амалга оширилди. (7-расм) дан кўриниб турибдики, биринчи қатор қудуқларининг сув сарфи 0,85 л/с ва еттинчи қатор 0,10 л/с ни ташкил қилади ва ЭГДА усули бўйича ҳисоб-китобларга қараганда анча кам.



7-расм. Туямуюн ГЭСининг вертикал дренаж қудуқларидаги сув сарфлари графиклари

Ўзан сув омборининг лойқага тўлишининг ГЭС биносининг устуворлигига таъсирини баҳолаш учун у 1996 йилда амалга оширилган Гидролойиҳанинг ҳисобланган маълумотлари билан таққосланди. ГЭС биноси учун ушбу давр учун фильтрация босими кўриб чиқиладиган давр учун қийматлардан ошади, турғунликни ҳисоблашда қабул қилинган қолган параметрлар ўзгаришсиз қолади ва шунинг учун устуворлик коэффициенти мос равишда 2,303 ни ташкил қилади.

Шундай қилиб, станция биносининг блоки, пьезометрик босимнинг дала ўлчовларига кўра, силжишга чидамли.


Диссертациянинг “ГАТ технологияларидан фойдаланган ҳолда ўзан сув омборининг фойдали ҳажмини оширишни башоратлаш” деб номланган тўртинчи бобида гидроузел таркибидаги ишончилиги ва хавфсизлигининг пасайишига олиб келадиган омиллардан бири лойқа ўтириши ҳисобланади.

Сув омборларининг лойқага тўлишига қарши кураш ва фойдали ҳажмини ошириш усуллари ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг асосийси тўғон ва химоя дамбаларини реконструкция қилиш орқали фойдали ҳажмини оширишдан иборат.


Географик ахборот технологиялари (ГАТ) ҳозирги кунда кўплаб тармоқлар, жумладан, гидротехника соҳасининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. ГАТ да РРМ ёрдамида сув омборини қуриш учун потенциал жойни аниқлаш, сув омборини қуриш ҳажмини баҳолаш, ер ости сувларини моделлаштириш, мумкин бўлган эрозияни аниқлаш, селга мойил ва селга чидамли ҳудудларни аниқлаш мумкин.

Биз Туямуюн ўзан сув омборида ГАТ дастурларидан бири – Global Mapper дастури ва РРМдан фойдаланилди ва  $\nabla 130,00$  лойиҳавий даражадан  $\nabla 131,50$  даражага ошириш масаласи кўриб чиқилди.

$\nabla 130,00$  белгисида (8-расм) ва  $\nabla 131,50$  белгисида (9-расм) контурлар ишлаб чиқилди ва бу белгида майдон яратилди (9-расм), ҳажмлар  $\nabla 131,50$  белгисида 0,1 орқалиғида ҳисобланган.  $F=f(H)$  ва  $W=f(H)$  боғлиқлик графиклари чизилган, улар 10, 11-расмларда кўрсатилган.




8-расм. Ўзан сув омборининг контури  $\nabla 130,00$




9-расм. Ўзан сув омбори контури  $\nabla 131,5$

Ўзан сув омбори ҳажми 527,3 млн.м<sup>3</sup> га ошди. Ҳимоя дамбаларининг тепа қисмини кўтариш бўйича башорат белгилари ҳисоблаб чиқилган ва лойиҳалаштирилганидан 1,5 м га оширилган. 10 ва 11-сонли янги тўғонларни қуриш талаб қилинадиган 2 та участка аниқланган (12-расм) ва бу участкаларнинг бўйлама профиллари олинган (13-расм).




**10-расм. Юза ва баландлик орасидаги боғлиқлик эгри графиги**



**11-расм. Ўзан сув омборининг қўшимча ҳажмининг  $W=f(H)$  боғлиқлик эгри чизиғи (√130 дан √131,5 гача)**

Капарас сув омбори бўйлаб жойлашган 10-сонли дамбанинг умумий узунлиги 3,5 км. Бу участкада чуқурликлар мавжуд бўлиб, бир неча марта сувнинг уриб кетиши юз берган, келажакда дамба қурилиши бузилишларни тўхтатади. 11-дамба узунлиги 750 м 5-6-дамбалар оралиғида жойлашган.



**12-расм. 10 ва 11-сонли янги дамбаларни қуриш жойлари**



а)  
б)

**13-расм. Янги дамбалар бўйлама профиллари (а) №10 ва (б) №11**

Ҳимоя дамбаларини қуриш учун қум ва лой зарраларидан ташкил топган чўкинди маҳсулотлардан фойдаланиш мумкин. Қурилиш земснарядлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Чўкинди материаллардан фойдаланиш ўзан сув омборини оқимини бир вақтнинг ўзида тозалашга ёрдам беради ва шунга мос равишда фойдали ҳажмнинг ошишига олиб келади.

## ХУЛОСА

**“Ўзан сув омборига лойқа ўтиришининг гидроузел таркибига кирувчи иншоотлардан ишончли фойдаланишга таъсири (Туямуюн гидроузели мисолида)”** мавзусидаги фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Кўпгина сув омборлари, шу жумладан Туямуюн сув омбори 40 йил ва ундан кўпроқ вақт давомида фойдаланилмоқда. Кўпгина сув омборларининг ўлик ҳажми бутунлай лойқа билан қопланган, фойдали ҳажми ҳам камайган. Бу жараён бутун дунёда содир бўлмоқда, фақат интенсивлиги билан фарқланади. Деярли барча тадқиқотчилар қурилган иншоотларни кузатишни долзарб ва устувор вазифа деб билишади.

2. Ўнг қирғоқ сув олиш иншооти галереяли фронтал сув олиш сифатида қурилган. Маълумки, фронтал сув олишнинг ишлаш принципи шундан иборатки, таркибида оз миқдорда оқизиклар бўлган юқори қатламлар каналга олинади, оқизиклар билан тўйинган пастки қатламлар эса ювиш галереялари орқали пастки бўфга чиқарилади. Дарёда сув камлиги сабабли ювилиш галереянинг затворлари ёпик. Ўзан сув омборининг лойқага тўлиши ва дарё ўзанида сув сатҳининг камлиги натижасида ўзан сув омборининг фойдали ҳажми камайган, келаётган сув Ўнг қирғоқ сув олиш иншооти орқали тўғридан-тўғри каналга ўтказилмоқда. Каналдаги лойқалик даражаси дарёдаги лойқаликка тенг.

3. Туямуюн-Нукус сув таъминоти тизимини яратиш мақсадида кейинчалик каналнинг ПК8+00 да димловчи иншоот, сув олиш иншооти ва дарёга ташловчи иншоот қурилган. Димловчи иншоот билан бирлашган гидравлик ювиладиган тиндиргич ўрнатиш тўғрисида тавсиялар ишлаб чиқилди. Натижада иккита муаммони ечими олинади. Каналга оқизиклар киришидан ҳимоя қилинади, иккинчидан ичимлик сувининг тиниқлик даражаси ортади.

4. Мавжуд иш режими сақланиб қолган тақдирда ўнг қирғоқ каналини чўкиндилардан тозалаш ҳажмини камайтириш масаласини икки йўналишда олиб бориш, тавсия қилинди каналга оқизиклар киришини камайтириш ҳамда каналнинг ўтказувчанлигини сақлаш ва ошириш. Биринчи вазифа сув олиш тизимини лойиҳалашда кўзда тутилган, иккинчи йўналишда эса каналнинг кўндаланг кесимини камайтириш, бетонлаш, канал тубининг нишаблигини ошириш ва димлаш иншоотларининг юқори бўефини узунлигини қисқартириш керак. Бу Бўстон каналида амалга оширилган. Натижада иккита йўналишдан фойдаланиш юқори самарадорликка олиб келади.

5. Туямуюн гидроузели лойиҳасига кўра тўлдириш тезлиги 1м/кун бўшатиш тезлиги эса 0,5м/кун қилиб белгиланган. Тадқиқотлар давомида

аниқланган тезликлар эса мос равишда: 2017 йилда 2,0 м/кун ва 1,6 кунни, 2019 йилда эса 3,10 м/кун ва 2,0 м/кунни ташкил қилди. Булар грунт тўғон танасида нобарқарор фильтрацияни шаклланишига олиб келади.

6. Пастки бьефдаги сув сатҳи гидроузел орқали чиқарилган сув сарфига ва сув омборини лойқа босиш босқичига боғлиқлиги тахлили, дарё туби кўтарилиш трендини кўрсатди.

7. Барча бетон иншоотлар заминининг фильтрация мустаҳкамлиги максимал босим қийматларида таъминланиши аниқланди, максимал босим қийматларидан ҳисобланган градиент тўлдирувчи материал учун рухсат этилган қийматдан ошмайди. Оралиқ қатлам учун 0,145 га тенг, рухсат этилган эса 0,56, оҳактошдаги ёриқларни тўлдирувчи учун 0,04 га рухсат этилган эса 1,6, қумда 0,163 га тенг бўлиб, рухсат этилган қиймат 1,6 ни ташкил қилди. Гидроузел бетон иншоотларининг фойдаланиш давридаги фильтрация ишончилиги ва хавфсизлиги таъминланиши асосланган.

8. Ўзан сув омборининг лойқага тўлиши ГЭС биносининг устуворлиги таъсири баҳоланди ва Гидролойиҳанинг ҳисоб-китоб маълумотлари билан таққосланди. ГЭС биноси учун учун фильтрация босими, кўриб чиқиладиган давр учун қийматлардан ошган бўлсада, устуворликка ҳисоблашда қабул қилинган қолган параметрлар ўзгаришсиз қолди ва шу сабабли устуворлик коэффициенти мос равишда 2,303 ни ташкил қилди. Шу тарзда далада ўлчанган пьезометрлик босим станция биноси силжишга устувор эканлиги аниқланди.

9. Дарё гидроузелларининг фойдаланиш давридаги ишончилиги тўғридан тўғри юқори бьеф косасини лойқа босишига боғлиқ. Тадқиқотлар доирасида ўзан сув омбори фойдали ҳажмини ошириш варианты ГАТ технологиялар ва рельефни сонли моделдан фойдаланган ҳолда кўриб чиқилди. Контур белгиланди, майдон яратилди, ҳар 0,1 м даги ҳажмлар ҳисоблаб чиқилди. Умумий узунлиги 4,25 км узунликдаги иккита янги дамбалар қуриш, мавжуд дамбалар баландлигини 1,5 м га кўтариш лозимлиги аниқланди ва уларни қуришда ўзан тубидаги чўкиндиладан фойдаланиш тавсия қилинди. Натижада Ўзан сув омбори ҳажми 527,3 млн. м<sup>3</sup> га ошишига эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ «ТАШКЕНТСКИЙ  
ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ  
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ  
«ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

**БОБОЖАНОВА НОДИРА ҚУРАМБОЙ КИЗИ**

**ВЛИЯНИЕ ЗАИЛЕНИЯ РУСЛОВОГО ВОДОХРАНИЛИЩА НА  
УСЛОВИЯ НАДЕЖНОЙ ЭКСПЛУАТАЦИИ СООРУЖЕНИЙ  
ГИДРОУЗЛА (НА ПРИМЕРЕ ТУЯМУЮНСКОГО ГИДРОУЗЛА)**

**05.09.06- Гидротехническое и мелиоративное строительство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером В2023.1.PhD/T3520

Диссертация выполнена в Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства».

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Бакиев Машариф Рузметович**  
заслуженный деятель науки Республики  
Каракалпастан, доктор технических наук,  
профессор

**Официальные оппоненты:**

**Базаров Дилшод Райимович**  
доктор технических наук, профессор

**Хужакулов Рустам**  
доктор технических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Ташкентский архитектурно-  
строительный университет**

Защита диссертации состоится «24» ноября 2023 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc 03/30.12.2019.T.10.02 при Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» по адресу: 100000, г.Ташкент, ул. Кары Ниязий 39, тел. (+99871)237-09-71, факс (+99871)237-54-79, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального исследовательского университета «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» (регистрационный номер 295 Адрес 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязий 39, тел. (+99871)237-19-45.

Автореферат диссертации разослан «06» ноября 2023 года.

(реестр протокола рассылки № 295 от «06» ноября 2023 года.)



**Т.З.Султанов**  
Президент Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор

**Ф.А.Ганнаров**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор

**Я.Г.Гловацкий**  
Председатель научного семинара при Научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

## **Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире особое значение приобретает борьба с заилением уменьшением полезной емкости водохранилищ, и как следствие нанесение большого ущерба народному хозяйству за счет уменьшения водообеспеченности орошаемых земель. В этой связи строительство новых, реконструкция существующих и совершенствование режимов эксплуатации водохранилищных гидроузлов имеет особое значение. В этом направлении, особое место в исследованиях развитых стран, в том числе США, Китая, Канады, Германии, Испании, России и др. отводится совершенствованию конструкций, прогнозу физических процессов в водохранилищах.

В мире в исследованиях ученых рассматриваются проблемы очистки водохранилищ путем создания наносохранилищ, прудов и гидравлического промыва наносов, вопросы оценки полезного объема с использованием цифровых моделей рельефа и батиметрических съемок. Значительнее места отводится моделированию сценариев управление режимом эксплуатации водохранилищ и качеством воды в них, разработке критериев безопасности, решению задач фильтрационного, напряжённо деформированного состояния сооружений с использованием численных решений.

В Республике, широко внедряются широкомасштабные мероприятия, по совершенствованию охраны и комплексному использованию, интегральному управлению водными ресурсами, по строительству водохранилищных и селехранилищных гидроузлов, гидроэлектростанций, реконструкции ирригационных объектов. В Узбекистане начаты работы по организации механической очистки от отложений верхнего бьефа водохранилищных и водозаборных гидроузлов. В этом направлении, требуется также установление причин заиления, разработка научно обоснованных методов организации производства работ, путей использования добытых отложений в строительстве, в сельском хозяйстве и продолжение исследований по уменьшению объемов заиления.

В стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 гг., по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, предусмотрена "...реализация отдельной государственной программы по коренному реформированию системы управления водными ресурсами и экономии воды" поставлены важные задачи. В этой связи имеет важное значение, на основе натурных исследований, вскрытие механизма взаимодействия руслового потока насыщенного взвешенными наносами с сооружениями водохранилищного гидроузла; оценка влияния заиления руслового водохранилища на надежную работу водозаборного сооружения; установление степени заиления канала и вопросы уменьшения его пропускной способности; влияние заиления водохранилища на фильтрационную надежность земляной плотины; оценка фильтрационной прочности основания бетонных сооружений; разработка проектов реконструкции русловых водохранилищ с целью увеличения их полезной

емкости с использованием ГИС технологий и материалов дистанционного зондирования.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в указах Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года №УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», и от 10 июля 2020 года №УП-6024 «Об утверждении Концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы», в постановлении от 25 сентября 2017 года №ПП-3286 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы охраны водных объектов», а также в других нормативно-правовых документах принятых в этом направлении.

**Связь диссертации с ведущими направлениями развития науки и технологий.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VII «Рациональное природопользование и экология».

**Степень изученности проблемы.** Решение теоретических и практических вопросов по созданию конструкций и методов расчетного обоснования рассматривались учеными: Мухамедовым А.М.; Frédéric H., Philippe Le Coustumer, Mikael M.Heino, Рахматуллаевым Ш.А., Бакиев М.Р.; Pogorelov A.V., Andrey., Laguta A.; Duhovny V.A., Sorokin D.A.; Jochen F., Melanie B., Икрамова М., Oliver O.; Аравиным В.И., Носовым О.Н; Фисенко В.Ф; Юровым В.М; Гаппаровым Ф.А., Мансуровым С.Р.; Давроновым Г.Т., Фырлиной Г.Л.; Данелия Н.Ф.; Erfeng Zhao, Chengqing Wu, Shaowei Wang, Jiang Hu, Weiqiang Wang; Jin Luo, Qi Zhang, Liang Li, Wei Xianga; J.Fu and S.Jin; Курбанбаевым Е., Артыковым О., Курбанбаевым С.; Hongyang Zhang, Ziyi Song, Peng Peng, Yadong Sun, Zelin Ding, Xianqi Zhang; Петровым А.А.; Юлдашевым К.А., Базаровым Д.Р., Арифжановым А.М., Самиевым Л.Н., Хошимовым С.Н., Атакуловым Д.,Е., Ф.Апакхужаевой, Бабажановым Ф.К., Баймановым Р.К. и получены определенные положительные результаты.

Ряд ученых вели исследования по надежности работы гидроузлов Векслер А.Б., Ивашиных Д.А., Стефанишин Д.В; Баламирзаев А.Г.; Засов С.В., Хужакулов Р., Бакиев М.Р., Кириллова Е.И.; и другие;

Основы ГИС технологий, дистанционного зондирования и их использование в различных областях науки рассматривались в работах Сафарова Э., Болтаева Т.Х., Акбарова О.М.; Andrey A. Laguta, Bolstad, P.V. Stowe T., Богданец Е.С., Чистогова В.А., Gert A. Schultz; Kumar A., Deepika B., Jayappa K.S.; Хасанова Х., Ковина Р.В., Маркова Н.Г.; Kun Song, Fawu Wang, Qinglin Yi, Shuqiang Lu и других.

Несмотря на проведенные исследования многие вопросы остаются недостаточно разработанными. В частности натурные исследования влияния заиления руслового водохранилища на условия работы водозаборного сооружения и надежность эксплуатации гидроузла.

